*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи**

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

15 декабрь 1971 йил, чоршанба ◆ № 289 (15.159). ◆ Баҳоси 2 тийин.

*КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ*

## ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб ҳамда социалистик мусобақани кенг авж олдириб катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар маҳсулотни реализация ҳажми бўйича белгиланган йиллик планни муддатидан илгари адо этдилар. Гўшт ва сут саноати ходимлари йил охиригача пландан ташқари республика аҳолисига яна 10 миллион сўмлик маҳсулот етказиб беришга қарор қилдилар. Маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ўтган йилдагидан 14 миллион сўмлик кўп бўлди.

## БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ



Тошкент областидаги Бўстонлиқ паррандачилик фабрикаси коллективи тўққизинчи беш йилликнинг тўнғич йилини муваффақиятли якунлашмоқда. Улар шу кунгача пландаги 6 миллион ўрнига 7 миллион дона тухумни реализация қилдилар. Суратда: паррандачи Р. Уринбоева.

И. Душкин фотоси.

### ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТЛАР

МАРҲАМАТ. Район чорвадорлари ҳозиргача 2 минг тоннадан ортиқ сут, 545 тонна гўшт, 649 минг дона тухум, 43 тонна жун топшириб планларини ошириб бажардилар. Қабул пунктларига чорва моллар топшириш давом этмоқда.

О. САЙФУТДИНОВ.

## КЎЧБУЛОҚ ОЛТИНИ

Кўчбулоқ тилла кони «Узбекзолото» комбинати корхоналари орасида биринчи бўлиб йиллик планни бажарди. Ушбу корхона коллективи бутун декабрь мобайнида тиллани социалистик мажбурият ҳисобига қазиб олади.

Тобора тоғ бағри ичкарисига қараб қазиб борилмоқда. Бу ерда олтин рудасини қазиб олиш билан биргаликда янги запаслар ҳам интенсив равишда разведка қилиб борилмоқда.

Истиқболлар эса жуда катта. Кўч булоқ тилла кони 1973 йилга борибоқ, ҳозирги ишлаб чиқариш даражасидан бир ярим баравар ўзиб кетиши, беш йилликнинг охирги йилига бориб эса икки баравар ўсиши мумкин. Натижада корхона Оҳангаронда қурилаётган олтин саралаш фабрикаси учун руда етказиб берувчи асосий корхоналардан бири бўлиб қолади.

Чодоқ конининг ишчилари ҳам олтин қазиш суръатларини кучайтириб юбордилар. Улар ноябрь ойида пландагидан ташқари жуда кўп руда бердилар. (ЎзТАГ).

### ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ, ШУДГОР ҚИЛ!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 14 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун—ҳайдалган майдон (гектар ҳисобида); учинчи стун— планнинг бажарилиш проценти.

| | | |
|---|---|---|
| ФАРҒОНА | 127750 | 109,2 |
| СИРДАРЁ | 268686 | 108,6 |
| НАМАНГАН | 143301 | 108,4 |
| АНДИЖОН | 190276 | 102,9 |
| ТОШКЕНТ | 221201 | 102,4*) |
| Самарқанд | 248570 | 97,7 |
| Бухоро | 171756 | 96,6 |
| Хоразм | 13922 | 92,8 |
| ҚҚАССР | 28007 | 80,0 |
| Қашқадарё | 105520 | 79,6 |
| Сурхондарё | 93388 | 70,8 |
| Республика бўйича: | 1612377 | 97,9 |

*) Маълумот аниқланган.

## ЧОРВОҚНИНГ УЧИНЧИ АГРЕГАТИ ТОК БЕРДИ

Чорвоқ гидроэлектр станциясининг учинчи агрегати саноат кўламида ток бера бошлади. Бундан аввал ишга туширилган икки генераторники сингари янги генераторнинг қуввати ҳам 150 минг киловаттга боради. Шундай қилиб ГЭС қуввати 450 минг киловаттга етди.

«Узбекгидроэнергострой» трестининг бош инженери Л. Б. Брискин маълум қилдики, станция учинчи турбинасини ишга тушириш 1971 йилга мўлжалланган эди. Ўзбекистон энергетика гиганти белгиланган қувватининг барвақт оширилиши «Чарвақгэсстрой» бошқармаси коллективининг зарбдор меҳнати натижаси бўлди. Гидроиншоот қурувчилар олдинги икки агрегатни ҳам барвақт ишга тушириб юборган эдилар. Бунинг оқибатида қўшимча энергия ҳосил қилишдан ташқари Чорвоқ сув омборида кўп сув йиғиш ҳам мумкин бўлди ва ўтган қурғоқ мавсумда ғўза суғоришга яради.

Чирчиқ бошланадиган ерлардаги зарбдор меҳнат давом этмоқда. Чорвоқ сув омборининг тўғони юз метр баландликка етди. Электр станция ва гидроузел қурувчилар 1971 йилнинг учинчи кварталида эришган муваффақиятлари учун СССР Министрлар Совети билан ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғини олган эдилар. Улар шу байроқни қўлда сақлаш учун маҳкам бел боғлаганлар.

(ЎзТАГ).



Сиз суратда кўриб турган (чапдан ўнгга) Тошкентдаги «Шарикоподшипник» заводининг ишчиси В. Боярская, Сирдарё область Ворошилов районидаги «Қизил Октябрь» колхози тракторчиси О. Холдоров, республикамиз пойтахтидаги тўқимачилик комбинатининг 2-тўқув фабрикаси ишчиси М. Содиқова, «Ташсельмаш» заводининг ишчилари Х. Иброҳимов билан Б. Ҳакимовлар ўз коллективларининг пешқадам кишиларидир. Улар зиммаларидаги топшириқларни ортиғи билан адо этиш, коллектив ишига жонкуярликлари билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонганлар.

А. Тўраев фотолари.

*Нуроталиклар чақириғига Форишликлар жавоб беради*

# ҚИШЛОВ— ЧОРВАДОРГА СИНОВ



Бойсарик ЖУМАБОЕВ,
Фориш районидаги «Арнасой» совхозининг директори

**Нурота районидаги Ленин номли совхоз чорвадорларининг чорва қишловини намунали ўтказиш ҳақидаги ташаббусини совхозингиз коллективи қандай кутиб олди, шу асосда қандай тадбирлар белгиланди!**

Нуроталикларнинг тадбирларини совхозимиз ишчилари, инженер-техниклари ва хизматчилари зўр мамнунлик билан кутиб олдилар. Бу ҳужжат чорва қишловини ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан ўтказишга чорлайди. Нуроталик ҳамкасбларимиз жуда муҳим масалани ўртага қўйганлар. Қишловни бехатар, чиқимга йўл қўймай ўтказиш, тўпланган ем-хашакдан самарали фойдаланиш, исроф бўлишига йўл қўймаслик келгусида чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда муҳим омилдир. Биз ҳамкасбларимиз белгилаган тадбирларга тўла қўшиламиз.

Хўжалик фаолиятимизни танқидий кўз билан таҳлил қилиб чиқдик, ютуқларни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш чораларини кўрдик. **Совхозимизда 55.500 бош қўй бор. Шундан 35 минг боши совлиқ. Чорвадорларимиз туёқ сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишда катта ишлар қиляпти. Якун ҳам шунга яраша бўляпти. 1971 йилда давлатга 26,5 минг дона қоракўл тери етказиб бериб, йиллик планни ошириб бажардик. Ҳар 100 бош совлиқдан 130 тадан қўзи олиб, наслга 15 минг қўзи қолдирдик.**

Бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаш планлари ҳам яхши бажариляпти. **Бу йил 440 тонна гўшт тайёрлашимиз керак эди. Шу кунга қадар 440 тонна гўшт тайёрладик.** Ҳар бош қўйнинг тирик вазнини 41 килограммга етказдик. Янаги йилдан 45-50 килограммга кўтарамиз. Ҳар йили гўшт учун тайёрлов органларига 10-11 минг бош қўй топширамиз.

Биз нуроталиклар ташаббуси асосида қишловга пухта тараддуд кўряпмиз. 60 та қўйхона капитал ремонт қилиниб, қиш шароитига тўла мослаштирилди. Ҳаво совуқ келган, ёғингарчиликлар бўлган кунларда қўй-қўзилар шу қўйхоналарда боқилади. Ҳаво илиқ ва иссиқ келган кунларда эса қўй-қўзиларни яйловларда боқамиз, кечаликка қўлдан ем-хашак берамиз. Шу йўл билан қўй ёки қўзиларнинг ориқлаши ва нобуд бўлишининг олдини оламиз.

Яқинда ҳамма отарлардаги қўйлар, фермалардаги қорамолларнинг ҳолатини кўздан кечириб чиқдик. Бир ярим мингга яқин ориқ қўй борлиги маълум бўлди. Уларни дарҳол ажратиб олиб, махсус жойда қўшимча ем-хашак билан парвариш қиляпмиз. Қишлов бошлангунча уларни яхши семиртириб умумий подаларга қўшамиз. Қорамолларимизнинг ҳаммаси юқори семизликдадир.

Ем-хашак тайёрлаш планлари тўла ва ошириб бажарилди. Бизнинг ички эҳтиёжимиз учун план бўйича 3.269 тонна дағал хашак зарур бўлади. Сафархон Норбеков бошчилик қилаётган ем-хашак тайёрлаш бригадасининг аъзолари йил камёғин келганлиги, ўт-ўлан кам бўлганлигини ҳисобга олиб, куч-ғайратларини белгиланганидан кўпроқ озуқа тайёрлашга сафарбар этдилар. Уларнинг меҳнати қувончли рақамлар билан якунланди. Қишлов жойларига 4.316 тонна дағал хашак ғарамлаб қўйилиб, топшириқ ортиғи билан ўринланди.

Бу йил бедадан айниқса юқори ҳосил етиштирдик. Ҳамма майдонларда тўрт-беш ўрим ўтказилди, олинган беда технология қоидасига риоя қилган ҳолда қуритилиб, отарларга ташиб келтирилди. Мавсумда 3.405 тонна беда тайёрланиб, бу соҳадаги топшириқ 128 процентга етказиб бажарилди.

Келтирилган мана шу фактларнинг ўзигина чорвадорларимиз қишловни бехатар ўтказиш учун анчагина ишлар қилганидан далолат беради. Лекин рўй бериши мумкин бўлган қийинчиликлар, табиий офатларга қарши ҳамма чораларни кўриб қўйяпмиз. Қишда ем-хашакни майдалаш қийин. Бу тадбирга риоя қилинмаса, озуқа исроф бўлади. Шуни эътиборга олиб, жамғарилган хашакни ДКУдан ўтказиб, отарлар ёнига келтириб қўйяпмиз. Уни қаттиқ ёғингарчиликлар куни емга қориштириб қўй-қўзиларга едирамиз. Мутахассисларимиз қишлов даврида ҳар бош қўй ва қўзига, қорамолга қанча ем, қанча хашак сарфланишини ҳисобга олиб норма белгилаб чиқдилар. Ем-хашак тайёрлаш бригадасининг аъзолари қиш фаслида ўз фаолиятини шунга мослаб олиб борадилар. Ҳар эҳтимолга қарши ялпи ем-хашакнинг 15 процентини эҳтиёт фонди сифатида сақлаймиз.

**Совхоз совлиқлардан эгиз қўзи олиш планини ошириб бажарди. Бу борада айрим фермалар, чўпонлар эришган муваффақиятни шарҳлаб берсангиз, ўстиришга қолдирилган қўзиларни қишда яхши парваришлаш учун нималар қилинади!**

Акимбой Жоқиббоев, Амирхон Султонбеков, Сарсанхон Алихонов ўртоқлар бошқарувчилик қилаётган бўлимларда совлиқлардан айниқса кўп эгиз олинди. Бунинг боиси шуки, бу фермаларда совлиқлар ўтган йилги қишдан тўқ ва юқори семизликда олиб чиқилди, бола ташлашига йўл қўйилмади. Қўзилатиш мавсумида соғлом ва урғочи қўзиларнинг ҳаммаси ўстиришга қолдирилди. Шу кунларда ҳар бир фермада 3400—3500 бош қўзи парваришланяпти. Биз қўзилар учун қиш мавсумига мослаб алоҳида озуқа рационини туздик. Қўзилардан ташкил қилинган отарларга энг тажрибали чўпонларни ишга қўйдик. Мутахассислар қўзиларнинг ҳолати, иштаҳаси, семириш даражасини кўздан кечириб боряпти. Бу йил олинган урғочи қўзиларни келаси йили урчитиш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Қиш фаслида чўпонларнинг иши анча оғир бўлади. Лекин тажрибали чўпонлар куч-ғайратларини сарфлаб, қишловни бехатар ўтказишга одатланганлар. Келаётган қиш фаслида ҳам шундай қиламиз. Ҳар 100 бош совлиқдан 208—210 бошга етказиб эгиз олган С. Нуронов, С. Ўтавлиев, Д. Абдухонов, Х. Шегабоев, Ў. Исабеков ва бошқа бош чўпонлар отарида қишловга тайёргарлик ишлари тўла тугалланди, ем-хашак отарлар ёнига келтирилиб майдалаб қўйилди, қудуқлар, суғориш тармоқлари тартибга келтирилди, туз ва беда уни ташиб олинди, айрим совлиқлар авжи қиш чилласида қўзилаб қўйиши мумкин, ўша қўзилар сақланадиган жойлар тайёрланди. Лўнда қилиб айтганда, чўпонларимизнинг ҳаммаси қишловга шай.

**Чўпонлар, молбоқарлар, паррандабоқарлар, йилқибоқарлар ва бошқа касб эгаларининг турмуш маданияти қандай юксалаётгани ҳақида сўзлаб берсангиз!**

**Совхозда чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш истиқболлари қандай!**

Чорвачилик шундай соҳа бўлиб қолдики, ҳалол меҳнат қилиб кўп маҳсулот етиштиринг-у кўп ҳақ олиб кандингизни уринг. Хўжалигимизнинг ялпи, чорвадорларимизнинг шахсий даромади йил сайин кўтариляпти. Бу йил чорвачиликдан 1 миллион 200 минг сўм даромад олдик. Бу 1969 йилдагидан деярли тенгма-тенг кўп. Ишчиларимизнинг ўртача ойлик иш ҳақи 35—40 процент ортди. Мукофот учун кўплаб қўзилар олмоқда, маданий ҳаёт кечирмоқда. Бунга сабаб шуки, маҳсулот миқдори кўпайтириляпти, сорт яхшилачяпти. Масалан, 1969 йилда давлатга 12 минг дона қоракўл тери етказиб берилган бўлса, юқорида айтилганидек, бу йил 26,5 минг дона тери армуғон этдик.

Совхозимизнинг келажаги янада порлоқ. Келаси йилиёқ ҳар 100 бош совлиқдан 145 тадан қўзи олиш, гўшт ва жун тайёрлашни бир ярим-икки баравар кўпайтиришни кўзда тутяпмиз. Яйловларни кенгайтириш, маҳсулдорлигини ошириш ҳам диққат марказимизда турибди.

Совхозимиз коллективи нуроталиклар чақириғига қўшилиб, чорва қишловини ташкилий жиҳатдан пухта ҳозирлик билан ўтказадилар, чиқимга йўл қўймайдилар, барча турдаги чорва молларнинг юқори семизликда бўлишини таъминлайдилар.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХАБАРЛАРИ

Ворошилов районидаги Свердлов номли колхоз чорвадорлари давлатга 190 тоннадан зиёд серқаймоқ сут топшириб, йиллик маррага етдилар. Аҳил коллектив яна 36 тонна сут топшириш учун курашмоқда.

Шунингдек, «Социализм» совхози чорвадорлари ҳам давлатга 161 тонна гўшт топшириб, йиллик планни ошириб бажардилар.

Б. МАМЕДОВ.

* * *

Яккабоғ районидаги «Авангард» совхози деҳқонлари муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Улар 8000 гектар лалмикор ерга кузги дон экдилар. Экилган ғалланинг 2000 гектаридан кўпроғи энг қимматли «олтин буғдой» навидир.

Б. БОТИРОВ.

* * *

Охунбобоев райони чорвадорлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар, давлатга 4460 тонна серқаймоқ сут етказиб бериб, йиллик планни муддатидан илгари адо этдилар. Бу ғалабага «Оқ олтин», «Правда», «Партия XXII съезди», К. Маркс номли колхозларнинг чорвадорлари катта ҳисса қўшдилар.

* * *

Бекобод районидаги «Победа» колхозида шудгорлаш қизғин боряпти. Далада 20 та трактор унумли ишлаб, кунига 50-60 гектар ерни ҳайдаяпти. Шудгорлашда Қ. Маматқулов, К. Шоймонов каби механизаторлар пешқадамлик қилишяпти.

Т. УСМОНОВ.

## ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ СЕМИНАРЛАРИ

Ўзбекистонда бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг республика семинарлари ўтказилмоқда. Бу семинарларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уюштирди. Ўрта махсус ўқув юртлари партия ташкилотларининг раҳбарлари 13 декабрда Тошкентда тўпланишди. Республика олий ва ўрта махсус таълим министрининг биринчи ўринбосари К. И. Афанасьев КПСС XXIV съезди, Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди қарорлари асосида Ўзбекистон ССРда ўрта махсус таълимни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Семинар бир неча кун давом этади.

* * *

ЖАРҚЎРҒОН (Сурхондарё области). 13 декабрь. Бугун Жарқўрғондаги «Москва» колхозида Сурхондарё ва Қашқадарё областларидаги пахтачилик колхозлари партия ташкилотлари секретарларининг семинари бошланди. Бу семинар КПСС XXIV съезди қарорлари асосида қишлоқ партия ташкилотларининг фаолиятига бағишланади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратининг ходимлари ва Тошкент олий ўқув юртларининг ўқитувчилари семинарда лекция ўқийдилар. Семинарда партия иши тажрибалари юзасидан фикрлашиб олинади.

(ЎзТАГ).

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси шу йил 16 декабрда эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари 15 декабрда эрталаб соат 9 дан 14 гача ва соат 17 дан 20 гача, 16 декабрда эрталаб соат 9 дан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида рўйхатга олинади.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоқоллар кенгашининг мажлиси 16 декабрь эрталаб соат 9 дан 30 минут ўтганда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида ўтказилади.

# САМИМИЙ, ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

### АФҒОНИСТОН ПОДШОСИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ Югославиядан кела туриб, 13 декабрда норасмий дўстона визит билан Москвага келди. У СССР Олий Совети Президиуми билан Совет ҳукуматининг меҳмонидир.

Афғонистон ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Ё. С. Насриддинова, бошқа расмий кишилар азиз меҳмонни кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Афғонистоннинг Совет Иттифоқидаги элчиси Муҳаммад Ориф ва ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Пешич бор эди.

Малика Белкис, афғон армияси марказий пиёда аскарлар корпусининг командири генерал Сардор Абдували, подшо саройи министри Али Муҳаммад, ташқи ишлар министри Муҳаммад Мусо Шафиқ ва бошқалар подшо билан бирга келдилар. (ТАСС).

### Л. И. БРЕЖНЕВ, Н. В. ПОДГОРНИЙ, А. Н. КОСИГИН АФҒОНИСТОН ПОДШОСИ МУҲАММАД ЗОҲИР ШОҲ БИЛАН УЧРАШДИЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ғайри расмий дўстона визит билан Москвага келган Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ билан 13 декабрда Кремлда учрашдилар.

Самимият ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбат чоғида халқаро аҳволнинг муҳим проблемалари, шу жумладан Ҳиндистон ярим оролидаги аҳвол, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга доир баъзи масалалар муҳокама қилинди. Ҳар икки томонни қизиқтирган халқаро проблемалар хусусида иккала томоннинг қарашлари монанд ёки яқин эканлигидан, шунингдек Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари ва самарали ҳамкорлик муваффақиятли ривожланаётганлигидан ўзаро мамнуният изҳор қилинди. Томонлар ҳар иккала давлат манфаатларини, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, тинчликни сақлаб қолиш манфаатларини кўзлаб Совет — Афғонистон дўстона муносабатларини янада ҳар тарафлама мустаҳкамлашга қатъий интилаётганликларини таъкидладилар.

Суҳбатда Совет томонидан СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари С. П. Козирев, СССРнинг Афғонистондаги элчиси С. П. Киктев ҳозир бўлдилар. Суҳбатда Афғонистон томонидан ташқи ишлар министри Муҳаммад Мусо Шафиқ, Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Муҳаммад Ориф иштирок этдилар. (ТАСС).

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ шарафига 13 декабрда Катта Кремль саройида зиёфат бердилар. Олий меҳмон билан ҳамроҳ бўлиб келган кишилар ҳам зиёфатда иштирок этдилар.

Совет томонидан зиёфатда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Н. Новиков, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси Ё. С. Насриддинова, Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов, СССР министрларининг ўринбосарлари С. П. Козирев, М. Р. Кузьмин, А. И. Семенов ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Зиёфат вақтида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва подшоҳ Муҳаммад Зоҳир шоҳ нутқ сўзладилар.

Н. В. Подгорний ва Муҳаммад Зоҳир шоҳнинг нутқлари қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

* * *

Ғайри расмий равишда дўстона визит билан келган Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир шоҳ 14 декабрда Москвадан ватанига жўнаб кетди.

### А. Н. КОСИГИН ХУЗУРИДА ҚАБУЛ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 14 декабрда Кремлда ХДС раиси, ГФР бундестагидаги ХДС-ХСС фракциясининг раиси Р. Барцелни унинг илтимосига кўра қабул қилди ва суҳбатлашди, суҳбат давомида СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларга доир масалалар қараб чиқилди.

Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси А. П. Бондаренко ва ГФРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси Х. Аллардт ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

